



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Банк-молия академияси
ректори
Э.Хошимов

_____ 2023 йил
«_____» _____

**08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»
иختисослиги бўйича кириш имтиҳон
ДАСТУРИ**

Тошкент-2022



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BANK-MO'LIIYA AKADEMIYASI**

**08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»
ихтисослиги бўйича кириш имтиҳон
ДАСТУРИ**

Тошкент – 2022

Ибрагимов А.К, Ризаев Н.К., Усанов А. 08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича кириш имтиҳон дастури. – Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, 2022. – 24 б.



Кириш имтиҳон дастури Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Кенгашининг 2022 йил _____даги қарори билан тасдиқланган.

Ушбу кириш имтиҳон дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4851-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони мувофиқ тайёрланган.

Такризчилар:

- Кўзиёев И.Н. – Тошкент молия институти “Аудит” кафедраси муdiri, и.ф.д, проф.
- Абдусаломова Н.Б.. – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси муdiri, и.ф.д., проф.

КИРИШ



Ўзбекистонда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”нинг бош мақсади этиб, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш кабилар белгиланган.¹ Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан жорий йил 16 июнида “Олий таълим тизимидаги устивор вазифалар”га бағишланган видеоселекторда ҳам тўрта устивор вазифани кўрсатиб ўтди. Ана шу вазифаларнинг учинчиси “Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш”га қаратилган. Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти масаласига алоҳида эътибор қаратилди².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарорига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган корхоналар МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлайди³. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтишининг зарурияти шундаки, республикамиздаги мавжуд акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотларининг молиявий фаолияти ҳақида хорижий инвесторларни ишончли ва зарур ахборотлар билан таъминлаш, корхоналарни халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот, иқтисодий таҳлил, аудит, тижорат банкларидаги бухгалтер ва аудит мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлашдан иборат.

08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш юзасидан имтиҳон дастури тузишда муаллифлар гуруҳи юқорида қайд этилган талабларни инобатга олишган.

08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича таянч докторантурага киришга талабгорларнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартлари, халқаро бухгалтерия ҳисоби моделлари, иқтисодий таҳлил, аудит ҳамда халқаро аудит стандартларининг назарий ва амалий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. ПФ-6097.. <https://lex.uz/docs/5073447>

² <https://president.uz/uz/lists/view/4424>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>

жихатларига оид, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар шароитида молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш концепциясини шакллантириш тадбиркорлик субъектлар тўловга лаёқатлигини баҳолаш ва уларни самарали аудитини ўтказиш, шунингдек, бюджет ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини атрофлича тўғри баҳолаш имконини беради.

Дастур 08.00.08 – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор таянч докторант ва мустақил изланувчилар учун кириш имтиҳонларга тайёрланиш ва уни топшириш учун мўлжалланган.



Ў БЎ Л И М . Б У Х Г А Л Т Е Р И Я Ҳ И С О Б И



1-мавзу. Бухгалтерия ҳисобининг шаклланиши ва замонавий истиқболлари

Бухгалтерия ҳисобининг пайдо бўлиши. Иккиёқлама ёзувнинг кенг тарқалиши. Италия, Франция, Германия бухгалтерия ҳисоби мактаблари. Халқаро бухгалтерия ҳисоби ички ҳисобдан фарқ қилиниши. Халқаро бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти ва долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарорининг тарихий аҳамияти

2-мавзу. Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши ва халқаро таснифланиши

Бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Халқаро бухгалтерия ҳисобини таснифланишининг икки категорияси. Бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришнинг тўрт ёндашуви. Қонуний тизим: Умумий қонун ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун. Бухгалтерия ҳисобининг амалиёт тизимлари.

3-мавзу. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделлари

Бухгалтерия ҳисоби халқаро моделларининг вужудга келиши ва зарурияти. Континентал модел ва унинг аҳамияти. Британ-Америка модели ва унинг моҳияти. Жанубий-Америка моделининг ўзига хос хусусиятлари. Ислом моделининг ривожланиши. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделларини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини шаклланишига таъсири.

4-мавзу. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари: USGAAP ва IFRS

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС) тушунчаси ва аҳамияти. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Қўмита (Фонд) мақсади ва унинг вазифалари. МХХС Қўмитасининг ташкилий тузилиши. МХХСнинг эталони: USGAAP ва IFRS. USGAAP - умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойиллари. IFRS - Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. USGAAP ва IFRS о`ртасидаги боғлиқлик ва фарқли жиҳатлари.

5-мавзу. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига кириш

Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг яратилиш тарихи. Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгашнинг мақсади ва унинг тавсифи. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва фойдаланиш имкониятлари.



6-мавзу. Молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг концептуал асоси

Молиявий ҳисобот концептуал асосларининг таркиби. Молиявий ҳисобнинг умумий фундаментал қоидалари. МҲХС (IFRS) 1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”. БҲХС (IAS) 8 “Ҳисоб сиёсатлари, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

7-мавзу. Узоқ муддатли активлар ҳисоби

Инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Инвестициялар тўғрисида тушунча ва уларнинг туркумланиши. Молиявий ва реал инвеститсиялар тўғрисида тушунча, уларни таснифлаш ва баҳолаш. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар таркиби. Қимматли қоғозлар: акция, облигация, заём ва бошқалар. Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби.

Асосий воситаларни туркумлаш ва баҳолаш тартиби. Асосий воситаларни хўжалик балансига қабул қилиш. Ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатлаштириш. Асосий воситаларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини ташкил қилиш. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоби.

Номоддий активлар тушунчаси, уларни таснифлаш. Номоддий активларни баҳолаш. Номоддий активларни қабул қилиш. Номоддий активларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил қилиш. Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг тартиби ва усуллари. Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш тартиби ва ҳисоби.

8-мавзу. Жорий активлар ҳисоби

Пул маблағлари ва валюта оператсиялари ҳисобининг вазифалари. Пул маблағларининг ички назорати. Ҳисоб китоблар тизимида банк билан келишув. Касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби. Пул маблағлари бўйича касса, ҳисоб-китоб, валюта счёти ва банкдаги бошқа счётларни ташкил қилиш. Банк муассасаларидаги счётларни юритиш ҳисоби. Банкдаги махсус счётлар, аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа махсус счётлар бўйича ҳисоблашишлар.

Товар-моддий захираларининг хўжалик фаолиятида тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. Товар-моддий захиралар миқдори ва эгалик ҳуқуқини аниқлаш. ТМЗлар таннархини ҳисоблаш ва уларни баҳолаш усуллари. Товар-моддий захиралар бўйича йўқотишларни баҳолаш. Материалларни туркумлаш ва баҳолаш. Материалларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш, материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш. Материалларни сарфлаш ҳисоби: ўртача баҳода, ФИФО ва бошқа усуллар. Материаллардан фойдаланишни назорат қилиш. Инвентар ва хўжалик жиҳозлари ҳисоби. Материалларни ҳисобга олиш тизимлари.

9-мавзу. Ўзбекистонда бошқарув ҳисоби концепцияси

Бошқарув ҳисобининг функциялари. Бошқарув ҳисобида ахборотлар тизими. Бошқарув ҳисобида харажатларнинг таснифланиши ва мазмуни. Харажатлар ҳақида тушунча. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича таннархга қўшиладиган харажатларни умумлаштириш ва уларни тақсимлаш. Харажатлар динамикаси ва уни назорат қилиш. Таннарх ҳисоби тизими. Харажатларнинг режалаштириш, назорат қилиш ва қарор қабул қилишдаги ўрни.

Жараёнли, буюртмали, босқичлитаннархҳисоблашусуллари. Тўлиқ таннарх ва

ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш. Бевосита харажатларни маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига қўшиш. Билвосита харажатларни маҳсулот таннархи таркибидан ҳисобга олиш. Ҳақиқий ва норматив усуллар бўйича харажатлар ҳисоби ва таннарх ҳисоблаш. “Стандарт-кост” ва “Директ-костинг” усуллари.



10-мавзу. Хусусий капитал ҳисоби

Хусусий капитал, унинг таркиби ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. Капитални ташкил қилиш манбалари. Устав капиталининг шаклланишини ҳисобга олиш. Устав капиталига улушлари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари ҳисоби. Эмиссион даромад ва устав капитали шаклланишида курс фарқини ҳисобга олиш. Резерв капиталининг шаклланиши ва ишлатилиши ҳисоби. Келгуси харажатлар ва тўлов резервларини ташкил қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳисоби. Сотиб олинган хусусий аксияларни ҳисобга олиш. Мақсадли молиялаштириш бўйича тушумларни ҳисобга олиш.

12-мавзу. Мажбуриятлар ҳисоби

Мажбуриятлар тушунчаси ва уларни баҳолаш. Мол этказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоби. Фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибининг ҳисоби. ҚҚС ва уни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартиби. Акциз солиғи ва уни ҳисоблаш тартиби. Мулк ва эр солиқларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Ягона ижтимоий тўловлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича мажбуриятлар ҳисоби. Таъсисчилар олдидаги мажбуриятларни ҳисобга олиш. Қисқа ва узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича мажбуриятлар ҳисоби. Турли кредиторлар бўйича мажбуриятларни ҳисоби.

13-мавзу. Молиявий натижалар ҳисоби

Молиявий хўжалик фаолиятининг асосий йўналишлари. Молиявий натижалар кўрсаткичлари ва уларнинг шаклланиши. Давр харажатларини ҳисобга олиш. Молиявий фаолиятдан бўйича харажатлар ҳисоби. Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, якуний молиявий натижа ҳисоби. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олиш. Таксимланмаган фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши ҳисоби.

14-мавзу. Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш

Молиявий ҳисоботнинг вазифаси, унинг таркиби. Молиявий ҳисоботни тузишга тайёргарлик қўриш тартиби. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар. Бухгалтерия баланси. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар, иловалар ва изоҳлар. Солиқ ва статистик ҳисоботлар таркиби. Молиявий ҳисобот маълумотлари ва унга аудиторларнинг хулосасининг зарурийлиги.

15-мавзу. Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш зарурияти

Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтиш босқичлари. Халқаро стандартларга ўтиш зарурияти. Молиявий ҳисобот халқаро стандартларини Давлат тилига рамиёй таржимаси ва унинг аҳамияти. Ўзбекистонда МҲХС Фонди билан ҳамкорлик. Кичик тадбиркорлик ва ўрта бизнес субъектлари учун Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларини ишлаб чиқишда МҲХС Фондининг роли.

II БЎЛИМ. АУДИТ



1-мавзу. Аудитга умумий тавсиф

Аудитнинг моҳияти ва ривожланиш тарихи. Аудитнинг мақсади ва вазифалари. Аудитнинг ривожланиш босқичлари. Тасдиқловчи аудит. Мақсадли системали аудит. Таваккалчиликка асосланган аудит. Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизимида аудитнинг тутган ўрни. Аудит ва бухгалтерия ҳисобининг фаркли жиҳатлари. Аудитнинг турлари ва шакллари. Мос келувчанлик аудити. Операцион аудит. Молиявий ҳисобот аудити. Ички аудит. Ташқи аудит. Аудит хизматлари бозори.

2-мавзу. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун литсензия бериш, литсензия беришни рад этиш, литсензиянинг амал қилиш муддатини тўхтатиш, бекор қилиш, тўхтатиб туриш ёки амал қилишини тиклаш. Аудиторлик касбига қўйиладиган малакавий талаблар. Аудитор малака сертификатини бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш тартиби. Аудиторлик фаолиятини тартибга солишда профессионал ташкилотлар роли.

3-мавзу. Аудит стандартлари

Аудит стандартлари ҳақида тушунча ва уларнинг аҳамияти. Аудиторлик текширувини ташкил этиш билан боғлиқ стандартлар. Аудиторлик текшируни ўтказиш билан боғлиқ стандартлар. Аудиторлик текширувини яқунлаш билан боғлиқ стандартлар.

4-мавзу. Аудиторнинг касб этикаси

Этика ҳақида тушунча. Аудитнинг ахлоқ кодекси ва унинг мақсади. Ахлоқ кодексининг асосий талаблари. Аудитнинг ахлоқ кодекси тамойиллари. Аудитор ахлоқи (этикаси). Виждонлилик ва объективлик. Профессонал компетентлилик. Махфийлик. Омма учун ахборотни тақдим этиш. Бошқа аудиторлар билан муносабатлар. Аудиторлик ташкилоти ва аудиторларнинг мустақиллиги. Умуминсоний ахлоқ қоидалари ва маънавий меъёрларга риоя қилиш. Аудиторнинг ҳолислиги ва касбий ваколатлиги. Аудитор ишларининг сифатини назорат қилиш. Дастлабки, жорий ва кейинги назорат.

5-мавзу. Аудиторлик текширувини режалаштириш

Аудиторлик текширувини режалаштиришнинг тамойиллари ва босқичлари. Аудит келишуви шартларини келишиш. Мижозни жалб қилиш ва дастлабки режалаштириш. Аудитнинг умумий режасини тузиш. Аудит дастурини тузиш. Уйғунлик, узлуксизлик ва мақбуллик тамойиллари. Корхонани аудиторлик текширувидан ўтказиш ишчи дастури ва аудиторлик хизмати кўрсатиш ҳақида шартнома ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни тузиш.

6-мавзу. Аудиторлик текширувида муҳимлик ва риск

Аудитда муҳимлик. Муҳимлик даражасини аниқлашда базавий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш тартиби. Муҳимлик даражасини аниқлаш тартиби ва уни аудитда қўллаш. Муҳимлик даражасини аудитда қўллаш тартиби. Аудиторлик rischi

ва унинг юзага келиш сабаблари. Аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами. Аудиторлик рисклар мақбул тўпламининг элементларини баҳолаш. Аудиторлик рискини аниқлаш модели. Аудиторлик рискига таъсир қилувчи омиллар. Муҳимлик даражаси ва аудиторлик rischi тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.



7-мавзу. Аудиторлик текширувида фирибгарликни аниқлаш

Фирибгарлик тушунчаси. Фирибгарлик учбурчаги. Фирибгарлик оқибатидаги муҳим бузиб кўрсатишнинг рискини аниқлаш ва баҳолаш. Молиявий ҳисоботдаги фирибгарликлар. Фирибгарликни олдини олиш ва аниқлаш. Фирибгарлик аниқланганида аудиторнинг ҳатти-ҳаракати. Аудитор учун келишувни давом эттириш имконсизлиги.

8-мавзу. Аудиторлик текшируви вақтида ички назорат тизимини ўрганиш ҳамда баҳолаш

Текшириладиган корхона (мижоз) фаолиятини ўрганиш. Бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилишини ўрганиш. Корхона бухгалтериясининг ташкилий тузилмаси, ташкилий тузилмада кўрсатилган ҳар бир ходимнинг вазифалари ва масъулиятларининг баёни; ҳисоб тциклининг муҳим участкалари бўйича ҳужжатлар айланиш режа-графикини текшириш. Корхона ҳисоб сиёсатини ўрганиш. Ички назорат тизимини ташкил этишда қўйиладиган мақсадлар. Ички назорат тизимининг моҳияти ва уни ўрганишдан мақсад. Ички назорат тизимининг элементлари. Ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолашни ҳужжатлаштириш. Аудит стратегиясини ишлаб чиқиш. Назорат рискини баҳолаш.

9-мавзу. Аудиторлик далиллар

Аудиторлик далилларининг моҳияти ва унинг ишончлилигини белгиловчи мезонлар. Аудиторлик далилларини олиш амаллари. Эксперт ишларидан далил сифатида фойдаланиш. Бошқа аудитор ишларидан фойдаланиш. Далилларни аудиторлик ташкилотининг ишчи ҳужжатларида акс эттириш.

10-мавзу. Таҳлилий амаллар

Таҳлилий амалларни қўллаш мақсадлари. Моҳияти бўйича текшириш таҳлилий амаллари. Таҳлилий амалларнинг турлари. Умумий хулосани чиқариш жараёнидаги таҳлилий амаллар. Аудиторнинг таҳлилий тадбирларнинг бажарилиш натижалари бўйича фаолияти.

11-мавзу. Аудиторлик танлаш

Аудиторлик танлаш ҳақида умумий тушунча ва унинг моҳияти. Танлашни ташкил этиш ва танлаш ҳажми. Ҳисобот моддаларини тестлаш учун танлаб олиш. Четга чиқишлар ва бузиб кўрсатишлар хусусияти ва сабаблари. Танлаш ҳажми. Танлаш бирлиги. Танлашни белгилаш усуллари. Стратификация ва қиймат бўйича тортилган танлаш. Статистик ва ностатистик танлаш. Атрибутив танлаш. Бузиб кўрсатишларни жамланмага татбиқ этиш. Танлашда дастурий таъминотни қўллаш.

12-мавзу. Аудиторлик текширувининг якуний босқичи

Аудиторлик текширувлар натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш. Аудиторлик ҳисоботи ва унинг таркиби. Аудиторлик хулосаси ва унинг турлари. Ижобий фикр. Модификацияланган фикр. Изоҳлар билан фикр билдирилган

аудиторлик хулосаси фикр билдириш рад этилган аудиторлик хулосаси тушунтириш қисми киритилган изоҳлар билан фикр билдирилган аудиторлик хулосаси. Аудиторлик хулосасининг таркиби. Аудиторлик хулосасининг махсус қисми. Аудиторлик хулосасининг тушунтириш қисми. Аудиторлик хулосасидаги сана ва имзолар. Аудиторлик хулосасини тақдим этиш.



III БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ



1-мавзу. Иқтисодий таҳлил фанининг назарий асослари

Иқтисодий таҳлилнинг замонавий бошқарувдаги роли, ўрни ва аҳамияти. Молиявий таҳлилнинг предмети, объекти, мақсади, вазифалари, принциплари. Молиявий таҳлилнинг методи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Хўжалик фаолияти таҳлили: молиявий таҳлил (ички ва ташқи); бошқарув таҳлили.

Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар: анъанавий (қиёслаш, баланс, занжирли алмаштириш, индекс, фарқли, нисбий кўрсаткичли каби) ва иқтисодий математик (интеграл, чизиқли ва чизиқсиз дастурлаш, назарий ўйин, корреляция ва регрессия, детерминант, логарифм каби) усуллар. Иқтисодий таҳлилнинг махсус усуллари: молиявий ҳисоботни ўқиш, горизонтал, вертикал, тренд, қиёсий, омилли, коэффицентлар таҳлили. Иқтисодий таҳлил субъектлари (ҳақиқий ва потенциал инвесторлар, кредиторлар, маҳсулот етказиб берувчилар, харидорлар, ходимлар, шунингдек ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар) ва уларнинг қизиқишлари.

2-мавзу. Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва ахборот манбалари

Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш, юритиш, ҳулосаларни шакллантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдаги меъёрий асослар. Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш шакллари. Молиявий таҳлилни ташкил этишда корхонанинг тармоқ хусусияти, фаолият кўлами, рақобатдаги ўрни каби жиҳатларини ҳисобга олиш. Иқтисодий таҳлилнинг асосий бўлимлари: молиявий ҳисобот таҳлили, инвестицион таҳлил, қимматли қоғозлар бозоридаги жараёнлар таҳлили, молиявий ҳисоботни башоратлаш. Иқтисодий таҳлилнинг ахборот базаси (таҳлил объектлари) ҳақидаги, уларнинг очиклиги ва ошқоралиги. Молиявий ҳисоботлар шакллари ва уларнинг тавсифи. Жамланган молиявий ҳисоботлар ва уларни таҳлил этиш.

3-мавзу. Корхона операция фаолиятининг таҳлили

Операция фаолият таҳлилининг мазмуни ва муҳим вазифалари. Корхона фаолиятининг турлари: операция, инвестицион, молиявий фаолият. Операция фаолият таҳлили ва унинг муҳим жиҳатлари. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг тармоқ ва фаолият тавсифи. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, харажат ва фойда алоқадорлигини таҳлили. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг критик ҳажм даражаси ва унинг омилли таҳлили. Маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлили. Маҳсулот ассортименти бошқариш. Сотиш ҳажмини таҳлили.

Корхона операция фаолияти самарадорлигини (меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш, инновацион маҳсулот, экспорт ҳажми кўрсаткичларини) баҳолаш. Операция левеиж таҳлили. Операция рисклар ва уларни бошқариш.

4-мавзу. Ишлаб чиқариш ва давр харажатлари таҳлили

Харажатлар таҳлили мақсади, мазмуни ва вазифалари. Харажатларнинг таснифи ва тавсифи. Ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар. Харажатларни умумий ҳажми ва уларни асосий элементлар бўйича баҳолаш, таҳлил қилиш. Харажат элементлари ва калькуляция моддалари, фаолият турлари ҳамда жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар таҳлили. Моддий, меҳнат ҳақи ва амортизация харажатлари таҳлили. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини таҳлили. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг

харажат сифимини таҳлили. Давр харажатлари таҳлили. Харажатларни мақбуллаштириш ва самарадорликни ошириш йўллари.



5-мавзу. Бухгалтерия баланси таҳлили

Бухгалтерия баланси таҳлили мазмуни ва вазифалари. Бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилиши: активлар, капитал вамажбуриятлар. Баланс моддалари ва унинг бошқа молиявий ҳисоботлар маълумотларига мослиги. Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили. Балансни ўқиш. Бухгалтерия балансининг горизонтал (даврий) таҳлили. Бухгалтерия балансининг вертикал (таркибий) таҳлили.

Корхоналар иқтисодий салоҳияти: таркиби, кўрсаткичлар тизими ва самарадорлигини таҳлили. Корхоналар молиявий салоҳияти: таркиби, кўрсаткичлар тизими ва самарадорлигини таҳлили. Бухгалтерия баланси моддаларининг ликвидлилик бўйича туркумланиши. Бухгалтерия балансининг ликвидлиги ва корхона тўлов лаёқатининг таҳлили.

6-мавзу. Молиявий барқарорлик таҳлили

Молиявий барқарорлик таҳлилининг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Корхонанинг иқтисодий ресурслари, унинг молиявий тузилмаси, ликвидлиги, тўловга қобилиятини молиявий аҳвол ва барқарорликка таъсири. Молиявий барқарорлик ва унинг типлари: мутлақ ва меъёрий барқарорлик, нобарқарор ва инқирозлиҳолатлар. Корхонанинг ўз оборот маблағлари билан таъминланганлиги таҳлили. Молиявий барқарорликни динамик таҳлили.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ коэффицентлари (молиявий мустақиллик (автономия), молиявий қарамлик, ўз ва қарз маблағларининг нисбати, ўз маблағлари билан таъминланганлик, ўз айланма маблағларининг тўпланиш коэффиценти каби) ва уларнинг таҳлили. Корхонанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича ички имкониятларни аниқлаш ва йўлга қўйиш чора тадбирларини белгилаш.

7-мавзу. Кредитга лаёқатлилик таҳлили

Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Кредитга лаёқатлиликнинг тавсифи. Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш ва таҳлил қилишнинг асосий усуллари: эксперт баҳолаш тизими ва баллик (скоринг) баҳолаш тизими.

Кредитга лаёқатлиликни баҳолашда тижорат банкларининг кредит сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари. Корхонанинг ишончлигини баҳолаш. Рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш қобилиятини таҳлили. Даромад таҳлили. Кредит ресурслари мақсадлигини таҳлили. Кредитга лаёқатлиликни молиявий коэффицентларда баҳолаш. Кредитни таъминланганлигини таҳлили. Кредит тўловлари юзасидан пул оқимларининг келажақдаги кутилишларини баҳолаш. Рисклар таҳлили. Кредитга лаёқатлиликни баҳолашда назоратнинг давомийлиги.

8-мавзу. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили

Дебиторлик, кредиторлик қарзлари таҳлилининг мазмуни, мақсад ва вазифалари. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг шаклланиши. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таркиби ва муддати бўйича таҳлили. Қарзлар динамикасининг натижавий ва самарадорлик кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлили (қарзларнинг айланувчанлиги ва қопланувчанлиги таҳлили). Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмлари.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юзасидан резервлар таҳлили.



9-мавзу. Молиявий натижалар ва рентабелликтаҳлили

Молиявий натижалар, фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг аҳамияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари. Умумий молиявий натижалар, уларнинг таркиби, тузилиши ва кўрсаткичларнинг бир-бири билан боғлиқлиги. Молиявий натижа, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадлари таҳлили. Маржинал фойда таҳлили. Маҳсулот сотишдан кўрилган ялпи фойда ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Молиявий натижалар таркибига кирувчи харажатларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. Харажатларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари. Харажатлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омиллар таҳлили. Фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларини аниқлаш.

10-мавзу. Пул оқимлари таҳлили

Хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини кўпайтириш, уларнинг кўпайиш вақтини ҳисоб-китоб қилиш ва натижага эришишда таҳлилнинг муҳимлиги ва асосий вазифалари. Корхонанинг пул маблағлари билан таъминланганлиги ва улар оқимини таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши ва асосий элементлари. Пул оқимларининг кирими ва чиқимини самарали бошқаришда молиявий таҳлилнинг ўрни. Асосий фаолиятдаги пул оқимлари таҳлили. Молиявий ва инвестицион фаолиятдан пул оқимлари таҳлили. Пул оқимларини таҳлил қилишнинг тўғри ва эгри услуги. Пул оқимларини бошқаришнинг омилли таҳлили. Пул оқимлари ҳаракатини тезлаштириш имкониятларини аниқлаш. Пул оқимларидаги ўзгариш тенденцияларини таҳлили. Фоииз ставкалари ва уларни ҳисоблаш усуллари.

11-мавзу. Хусусий капитал таркиби ва унинг таҳлили

Хусусий капитални таҳлил этиш мазмуни ва вазифалари. Хусусий капиталнинг таркибий тузилиши: устав фонди (устав капитали), қўшилган капитал, захира капитали ва тақсимланмаган фойда.

Хусусий капитал ва унинг ўзгаришининг таҳлили. Хусусий капиталнинг динамик таҳлили. Соф активлар таҳлили. Хусусий капитал даромадлиги (рентабеллиги)нинг таҳлили. Молиявий леверидж кўрсаткичларини таҳлили.

12-мавзу. Корхоналар иқтисодий ночорлиги (банкротлиги)ни баҳолаш ва таҳлил қилиш

Иқтисодий ночорлик (банкротлик)ни баҳолашнинг объектив зарурлиги, уни таҳлил қилиш мақсади ва вазифалари. Банкротлик институти ва унинг ривожланиш истикболлари. Иқтисодий ночорликни тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари. Иқтисодий ночорлик таҳлилининг ахборот манбалари. Банкротликни аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларнинг қиёсий таҳлили. Иқтисодий ночорликни баҳолашнинг миллий ва халқаро тажрибалари.

Иқтисодий ночорлик ҳавф-ҳатарларини аниқлашда молиявий ҳолат таҳлили. Банкротликни аниқлашнинг турли моделлари.

Банкротлик таомиллари: кузатув, ташқи бошқарув, санация, тугатишда молиявий ҳолат таҳлили. Корxonани молиявий соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш. Иқтисодий ночорлик (банкротлик)ни олдини олиш чора-тадбирлари. Банкротликни олдини олишда молиявий менежментдан фойдаланиш.



13-мавзу. Корxonалар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш ва таҳлил қилиш

Корxonалар молиявий ҳолатини рейтинг баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш усуллари. Корxonалар молиявий ҳолатни ва самарадорлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткичлар бўйича рейтингини аниқлаш ва уларнинг қиёсий таҳлили. Рейтинг баҳолаш амалиёти. Корxона иқтисодий ва молиявий салоҳияти самарадорлиги бўйича рейтинг кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили. Рейтинг баҳолаш бўйича корxonаларни ранжирлаш. Молиявий ҳолатни рейтинг баҳолаш бўйича халқаро тажрибалар ва улардан мамлакатимиз таҳлил амалиётида фойдаланиш имкониятлари.

14-мавзу. Молиявий ҳисобот элементларини башоратлаш

Молиявий ҳисобот элементларини башоратлаш ва унда қўлланиладиган турли моделлар ва усулларнинг тавсифи. Активлар, капитал ва мажбуриятларни башоратлаш. Даромадлар ва харажатларни башоратлаш: сотиш ҳажми, маҳсулот таннархи, операцион даромад ва харажатлар, фойда ҳажми ва рентабеллик даражаларини башоратлаш.

IV. БЎЛИМ. БЮДЖЕТ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ



1-мавзу. “Бюджет ҳисоби” фанининг мазмуни, предмети ва усуллари.

Фаннинг мазмуни. Фаннинг предмети ва объекти. Бюджет ҳисобининг мақсади ва вазифалари. Бюджет ҳисобининг усуллари ва функциялари. Бюджет ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари. Бюджет ҳисобининг бошқа махсус фанлар билан алоқаси. Бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари ҳақида тушунча ва уларнинг турлари.

2-мавзу. Бюджет ҳисобининг ҳуқуқий асослари.

Бюджет ҳисобини тартибга солишнинг қонунчилик тизими. Бюджет ҳисоби субъектлари, уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарликлари. Бюджет ҳисоби ахборотлари ва улардан фойдаланувчилар. Бюджет ҳисоби ахборотларини шакллантиришда бюджет таснифининг қўлланилиши. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижросига оид ҳисоботларнинг мазмуни. Бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларининг мазмуни.

3-мавзу. Бюджет ҳисобининг стандартлари ва уларнинг мазмуни.

Бюджет ҳисоби стандартларининг мазмуни. Бюджет ҳисоби стандартларининг таркиби. Бюджет ҳисоби стандартларининг асосий мақсади ва қўлланилиш соҳаси. Бюджет ҳисоби стандартлари асосида ҳисоб объектларини тан олиш ва ҳисобда акс эттириш. Бюджет ҳисоби стандартлари асосида ахборотларни ошкор қилиш ва ёритиш.

4-мавзу. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатлари.

Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил қилишнинг мақсади ва вазифалари ҳамда хусусиятлари. Бюджет ташкилотларида юритиладиган ҳисоб ҳужжатлари ҳамда регистрлари шакллари. Бюджет ташкилотларида қўлланиладиган ҳисобварақлар, уларни тайинлиши ва тузилиши. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия баланси. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобининг ташкилий жиҳатлари. Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисобини ташкил этишда қўлланиладиган ахборот тизимлари.

5-мавзу. Бюджет ташкилотларида сметалар ҳамда штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби.

Бюджет ташкилотларида сметалари таркиби ва уларни шакллантиришнинг хусусиятлари. Бюджет ташкилотларида штатлар жадвали ва уларни тузишнинг хусусиятлари. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметасини тузиш тартиби ва уларни ижроси ҳисоби. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш ва улар ижроси ҳисоби. Бюджет ташкилотлари сметалар ҳамда штатлар жадвалини тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш тартиби.

6-мавзу. Бюджет ташкилотларида асосий воситалар ҳисоби.

Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари. Асосий воситалар киримини ҳисобга олиш. Асосий воситалар эскириши ҳисоби. Асосий воситаларни таъмирлаш ва қурилишини ҳисобда акс эттириш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоби. Асосий воситаларни баланسدан чиқарилиши ҳисоби. Асосий воситалар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш. Асосий воситалар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.



7-мавзу. Бюджет ташкилотларида номоддий активлар ҳисоби.

Номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари. Номоддий активлар киримини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш. Номоддий активларни балансдан чиқарилиши ҳисоби. Номоддий активлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш. Номоддий активлар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

8-мавзу. Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисоби.

Бюджет ташкилотларида товар моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда хусусиятлари. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва улар кирими ҳисоби. Тайёр маҳсулотни ҳисобдан чиқарилиши ҳисоби. Бошқа товар моддий захиралар киримини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш. Бошқа товар - моддий захираларни ҳисобдан чиқарилиши ҳисоби. Товар моддий захиралар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш. Товар моддий захиралар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

9-мавзу. Бюджет ташкилотларида ҳисобварақлардаги бюджет маблағлари ҳисоби.

Бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш ва юритиш тартиби. Бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақ операцияларини ҳужжатлаштириш ва уларни амалга ошириш. Бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақ операцияларини ҳисобда акс эттириш. Бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини ёпиш тартиби.

10-мавзу. Бюджет ташкилотларида турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва вазифалари. Юридик ва молиявий мажбуриятларини ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказиш. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

11-мавзу. Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби.

Бюджет ташкилотларида молиявий натижаларни аниқлаш тартиби. Бюджет маблағлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби. Тўловларни маҳсус турларига доир ҳисоблашувлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар ҳисоби. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар. Якуний молиявий натижалар ҳисоби. Молиявий натижалар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

12-мавзу. Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар.

Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар таркиби. Бухгалтерия балансини тузиш тартиби. Харажатлар сметаси ижроси ҳақида ҳисоботни тузиш тартиби. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотни тузиш тартиби. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисида

ҳисоботни тузиш тартиби. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботни тузиш тартиби. Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботни тузиш тартиби. Молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартиби. Молиявий ҳисоботларни тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.



V. БЎЛИМ. БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ



Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни ва уни ташкил этишнинг аҳамияти. Банк ҳисоб-операцион аппаратининг тузилиши. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. Банк ҳужжатларининг мазмуни, аҳамияти, турлари ва уларнинг тавсифи. Банкларда ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш тартиби, архивлаштириш. Банк ички назорати. Бош ва ёрдамчи китобларнинг мазмуни. Ёрдамчи китоб ва унинг тавсифи, бош китоб ва унинг тавсифи. Бош ва ёрдамчи китобларни текшириш, бухгалтерия ёзувларидаги хатоларни тузатиш тартиби. Банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари. Банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш тартиби. Мижозлар ҳисобварақларини ёпиш ва қайта расмийлаштириш тартиби. Банкларда депозит операциялари ҳисоби.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар моҳияти ва уларни ташкил этиш асослари. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар, тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар, аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар, инкассо топшириқномаси билан ҳисоб-китоблар, банк карточкалари билан ҳисоб-китоблар, мемореал ордерлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, уларни расмийлаштирилиши ва ҳисобини юритиш. Банклараро ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва уларнинг ташкил этилиши. Банкларда касса операцияларини ташкил қилиш, банк кассаларининг турлари. Кириш касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорати. Чиқим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорати. Пул тушумларини инкассация қилиш тартиби ва ҳисоби. Қисқа ва узоқ муддатли кредит операциялари ҳисобининг ташкил этилиши. Кредит операциялари бўйича синтетик ва аналитик ҳисобнинг юритилиши. Муддатли ва муддати ўтган ссудалар бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундириш тартиби. Банкларда лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши. Факторинг операцияларининг ҳисоби.

Тижорат банклари томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар ҳисоби. Банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳисоби. Тижорат банклари капиталини ташкил қилиш билан боғлиқ қимматли қоғозлар операциялари ҳисоби. Қарз қимматли қоғозларини чиқариш билан боғлиқ операциялар ҳисоби. Валюта операциялари ҳисоби. Банк асосий воситаларининг ҳисоби. Номоддий активлар моҳияти, турлари ва уларни ҳисобга олиш. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби. Банкнинг фоизли ва фоизсиз даромадлари, уларнинг ҳисоби. Банк харажатлари, уларнинг таркиби, банкнинг фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларини ҳисобга олиш. Банк фаолияти молиявий натижаларининг ҳисоби. Банкларда солиқлар ва йиғимлар ҳисоби. Банкларда балансдан ташқари операциялар ҳисоби. Банк бухгалтерия ҳисоботлари.

Тижорат банкларида аудит

Аудитни ва аудиторлик фаолиятини моҳияти. Аудитни мақсади ва вазифалари. Аудит ўтказишнинг принциплари. Аудитнинг турлари. Аудиторнинг этикаси. Аудиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Аудиторларнинг мустақиллиги. Банк устав фондиди шакллантириш операцияларини мақсади, вазифалари ва аудиторлик текширувининг манбалари. Акционер банкларни устав капиталини шакллантириш операциялари аудити. Банк устав капиталини ўзгариши бўйича операциялар аудити. Банкнинг резерв фондиди ва бошқа фондларини шакллантириш ва ишлатилиши

тартиби аудити.

Банкларда касса ва касса операциялари аудитини мақсади, вазифалари ва аудит текшируви манбалари. Касса операциясини текшириш бўйича банк ички назорати материалларини таҳлил қилиш. Ҳисоб-китоб операцияларини мақсади, вазифалари ва аудиторлик текшируви манбалари. Мижознинг ҳисоб рақами бўйича наҳд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширилишини текшириш.

Банклараро ҳисоб-китоб операцияларни амалга ошириш тартибига риоя этилганлигини аудитдан ўтказиш. Кредитлаш операцияларини мақсади, вазифалари ва аудиторлик текшируви манбалари. Ҳар-хил турдаги кредитларни берилиши, қайтарилиши ва ҳисоботларда уларни акс эттирилиши тартиби аудити. Берилган ссудаларни сифати ва ишончли таъминотини баҳолаш. Кредит рискин баҳолаш бўйича банкда қўллананиладиган тартибга риоя қилиб, ссудалар бўйича қўтилаётган йўқотишлар учун резерв шакллантиришни тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш. Банк кредит сиёсатини ва кредит рискларини бошқариш сифатини баҳолаш. Банкнинг қимматли қоғозлар билан операциялари аудити.

Хорижий валюталарда ўтказиладиган операциялар аудити. Банкнинг молиявий натижалари: даромадлари, харажатлари, фойдани тақсимлаш ва ишлатилиши операциялари аудити. Аудиторлик рисклари ва аудиторлик хулосалари. Аудиторларнинг иш сифатини назорат қилиш.



ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР



1. “Бухгалтерия ҳисоби”:

1. Каримов А.А., Ибрагимов А.К, Ризаев Н.К, Имамова Н.М. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари. Дарслик. - Т.: ТМИ. «Iqtisod-Moliya», 2020 й. - 392 б. (гриф 418-266, 2020 й. 14 август)
2. Ибрагимов А., Умаров З., Ризаев Н., Ҳотамов К. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. -Т.: ТМИ. «Iqtisod-Moliya», 2020 й. - 560 б. (гриф 285-201, 2020 й. 4 май)
3. Эргашева Ш., Ибрагимов А., Ризаев Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. «IQTISODIYOT», 2019 й. - 321 б. (гриф 1000-150, 2018 й. 7 декабр)
4. Egamberdiyeva S.R. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. O‘quv qo‘llanma. – Т.: Fan va texnologiya, 2019. 289 b.
5. Kuljonov O., Xusinov I., Jumanazarov S. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisod-moliya, 2018. –237 b.
6. Norbekov D., Misirov K., Tashmanov G‘. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisod-moliya, 2018. –194 b.
7. Xasanov B., G‘aniyev Z., Muxammedova D. Boshqaruv hisobi. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisod-moliya, 2018. –279 b.
8. Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S. Buxgalteriya hisobi. Darslik. – Т.:Iqtisod-moliya, 2019. - 512 b.
9. Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S., Xalilov Sh. Moliyaviy hisob va hisobot. O‘quv qo‘llanma. –Т.:Iqtisod-moliya, 2018. - 400 b.
10. Kuljonov O., Ortiqov X., Yugay L., Tuhsanov X., M.Xayitboyev Moliyaviy hisob. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisod-moliya, 2018. –246 b.
11. Pardayev A., Pardayev B. “Boshqaruv hisobi” Т.: G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2014 yil 251 b.
12. Misirov K., Kurbanov Z., Abdibaeva T., Ochilov O. Teoriya buxgalterskogo ucheta. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisod-moliya, 2018. –260 b.
13. Norbekov D., Maxmudov A., Muxammedova D. Buxgalteriya hisobi. O‘quv qo‘llanma. –Т.: Iqtisod-moliya, 2018. –236 b.
14. Uzbekiston Respublikasi Prezidentining “Uzbekistan Respublikasini yanada rivojlantirish buyicha xarakatlar strategiyasi tugrisida”gi 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni. <https://lex.uz/docs/3107036>
15. Karimov A., Muqumov Z, Tulayev M., Kurbanbayev J., Raxmonov Sh. Buxgalteriya hisobining axborot tizimlari. O‘q.qo‘ll. –Т.: Iqtisod-moliya, 2018. –194 b.
16. An Introduction to Accounting Theory, 1st edition. UWS, Australia, 2016.
17. Intermediate Accounting (15th Edition) English, 557 pages, Kieso, Weygandt and Warfield, 2013
18. Wan Madznah Wan Ibrahim Mohd Rizal Palil “Fundamentals of Business Accounting” 2nd edition Published by Oxford Fajar Sdn. Bhd. Selangor Darul Ehsan, Malaysia, 2014.
19. Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Ducae “Financial and Managerial Accounting” 12th edition, South-Western, Cengage Learning, USA, 2014.
20. Tashnazarov S.N., Tashnazarova D.S. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari. O‘quv qo‘llanma. –С.: SamISI, 2018. -421 b.

21. Erwin Bakker, Edward Rands, Candice Unsworth, Minette van der Merwe, Asif Chaudhry, Danie Coetsee, Santosh Chris, Johnstone Varughese, Paul Yeung, Interpretation and Application of IFRS Standards, John Wiley & Sons, 2018



2. “Аудит”:

1. Tuychiyev A., Qo'ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I., Avazov I. Audit. Darslik. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 620 б.
2. Туйчиев А., Қўзиев И., Авлокулов А., Машарипов О., Авазов И. Аудит. Электрон дарслик. – Т.: ТМИ. 2021 й.
3. Ҳамдамов Б.К. Аудитнинг халқаро стандартлари. Дарслик. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2020. – 320 б.
4. О'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 sentyabrdagi “O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-3946-son Qarori. <http://lex.uz>
5. О'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi PQ-4611-son Qarori. <http://lex.uz>
6. Қўзиев И., Туйчиев А., Хожиев М., Якубов М. Внутренний аудит. Учебное пособие. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2019. – 420 с.
7. Қўзиев И.Н., Ҳамдамов Б.К., Авазов И.Р., Очилав Ф.Ш. Аудитнинг халқаро стандартлари. Электрон дарслик. –Т.: ТМИ. 2021 й.

3. “Иқтисодий таҳлил”:

1. “Subramanyam K.R. Financial statement analysis. 11th edition. New York, Mc Graw-Hill Education, 2016. - 814 pages.
2. Казакова Н.А. Финансовый анализ. Учеб. М.: Юрайт, 2018. – 470 с.
3. Жилкина А.Н. Финансовый анализ. Учебник. М.: Юрайт, 2018. – 285 с.
4. Raximov M.Y., Kalandarova N.N. Moliyaviy tahlil. Darslik. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2019. -736 б.
5. Raximov M.Y. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2015. -392 б.
6. Raximov M. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. Uslubiy qo'llanma. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2015. -156 б.
7. Pardayev M.Q., Isroilov J.I., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. – Т.:Print Line Group, 2017.-533 б.
8. Steven M. Bragg. Financial analysis: A business decision guide. 2nd edition. Colorado, Accounting Tools, Inc., 2014. 325 pages.
9. Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Урманбекова И.Ф. Экономический анализ. /Учебник –Т.: Иқтисод-Молия, 2017. – 428 с.
10. Sagdullaeva Z.A., Choriyev I.H., Mahmudov A., Yuldasheva U.A. Iqtisodiy tahlil. Darslik. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2018. - 404 б.

4. “Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи”:

1. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet hisobi. Darslik. – Т.: “IQTISOD MOLIYA” 2018. 428 б.
2. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet tashkilotlarida byudjet hisobi. Darslik. – Т.: “IQTISOD MOLIYA” 2019. 329 б.
3. Tuychiyev A.J., Ibragimov K.Sh. Byudjet hisoboti. O'quv qo'llanma. “IQTISOD



MOLIYA”. – T.: 2018. 254 b.

4. Hamdamov B.K. va Ostonokulov A.A. Byudjet nazorati. O’quv qo’llanma. “IQTISOD MOLIYA”. – T.: 2018. 318 b.

5. Mehmonov S.U., Kulibayev A.Sh. Byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg’armalari hisobi. O’quv qo’llanma. “IQTISOD MOLIYA”. – T.: 2018. 217 b.

6. Коренкова С.И. Бюджетный учет и отчетность. Учебное пособие для вузов. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. — 195 с.

7. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 104 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 56 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Қонунустуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-48 б.

12. Toshmukamedova D.A. G`aznachilik. O`quv qo`llanma. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2018. – 328 b.

13. Туйчиев А.Ж. и др. Бюджетный учет. Учебной пособия. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2018. – 278 b.

14. Tuychiev A.J., Abidov M.I. Byudjet tasnifi. O’quv qo’llanma. “IQTISOD MOLIYA”. – T.: 2018. 264 b.

15. Качкова О.Е., Кришталева Т.И., Овсийчук М.Ф. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях. Учебник. — Москва: КноРус, 2016. - 295 с.

5. “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит” :

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида”ги қонуни. –T.: 2019 йил 11 ноябрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банқлар фаолияти тўғрисида”ги қонуни.-T.: 2019 йил 5 ноябрь.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни.-T.: 2019 йил 22 октябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори, 2017 йил 13 сентябрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли Қарори, 2018 йил 23 март.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5877-сонли Фармони, 2019 йил 18 ноябрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони, 2020 йил 12 май.

9. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2017.-768 б.

10. Абдуллаева Ш.З. “Пул ва банклар”. Дарслик. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019.-628 б.

11. Азизов У.Ў., Қоралиев Т.М. ва бошқалар. “Банк иши”. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2016.-2016.-640 б.

12. Бобақулов Т.И., Абдуллаев У.А., Шомуродов Р.Т. “Монетар сиёсат”. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2018.-236 б.

13. Омонов А.А., Қоралиев Т.М. “Пул ва банклар”. Дарслик. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019.-461б.

14. Ортиқов О.А., Қуллиев И.Я. Банк менежменти ва маркетинги. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2015.-220 б.

15. Абдувахидов Ф.Т ва бошқ. Банкларда бухгалтерия ҳисоби.Т.:, ТДИУ, 2010, 224

16. Қаралиев Т., Файзуллаева М. «Банковский аудит». Учебное пособие.-Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2014 й.

17. Наврузова К., Аллаберганов Р. Бухгалтерский учёт в банках: Учебник/; - Т.: «Иқтисод-Молия», 2017 .-312 с

18. Омонов А., Қоралиев Т. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т.: Иқтисод–молия, 2014 й. 241 б.

19. Умаров З., Муругова И., Бабаева Г. Бухгалтерский учёт в банках: Учебник/; - Т.: «Иқтисод-Молия», 2019.- 555 с

20. Umarov Z.A., Ibragimov A.K., Rizaev N.K., Marpatov M.D.,– Banklarda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari / darslik – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2019 – 500 б.

21. Yadgarova M., Qurbonov R. Bank auditi. Darslik. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2019 й.

